

Зухду тақво



08:00 / 08.09.2020 2982

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Шомдаги Ҳимс шаҳрига борганларида у ердагилар Саъид ибн Омирдан шикоят қилиб, тўрт нарсада айблашди: «Қуёш кўтарилмагунча масжидга чиқмайди; кечаси ҳеч кимнинг саволига жавоб бермайди; ойда бир марта одамлардан узилиб, ажралиб олади; баъзида ҳушидан кетиб қолади».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Саъид ибн Омирдан бунинг сабабини сўрадилар. У деди: «Ҳар куни эрталаб ўзим хамир қориб, нон ёпаман, кейин уйдан чиқаман. Кундузни одамлар учун, тунни Аллоҳ (ибодати) учун ажратганман. Ойда бир марта кийимини юваман, бошқа кийим йўқлиги учун қуригунча кутиб тураман. Беҳуш бўлиб қолишимнинг сабаби эса бундай: мусулмон бўлишимдан аввал Маккада Ҳабиб Ансорийнинг ўлимини кўрганман. Қурайшликлар унинг этини кесиб олиб, шохга осиб қўйишди,

«Ўрнингда Муҳаммад бўлишини истармидинг?» деб сўрашди. У: «Аллоҳга қасамки, ўзим, аҳлим ва болаларим саломат бўлса-ю, лекин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳатто тикан киришини ҳам истамайман», деди-да, «Эй Муҳаммад!» деб бақриб юборди. Баъзан хаёлимга ўша пайтда, мушрик ҳолимда Хабибга ёрдам бера олмаганимни Аллоҳ азза ва жалла ҳеч қачон кечирмайди деган фикр келиб қолади. Ана шу пайтда ҳушимдан кетиб қоламан, мўминларнинг амири».

«Солиҳлар гулшани» китобидан